

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2022-12/4

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2022

Бош муҳаррир:*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.***Бош муҳаррир ўринбосари:***Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.***Таҳрир ҳайати:**

<i>Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.</i>	<i>Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.</i>	<i>Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуллаев Рашид Бабажонович, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.</i>	<i>Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.</i>
<i>Аззамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.</i>	<i>Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.</i>
<i>Аимбетов Нағмет Қаллиевич, и.ф.д., акад.</i>	<i>Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.</i>
<i>Аметов Яқуб Идрисович, д.б.н., проф.</i>	<i>Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.</i>
<i>Бабаджанов Хушнуд, ф.ф.н., проф.</i>	<i>Салаев Санъатбек Қомилевич, и.ф.д., проф.</i>
<i>Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.</i>	<i>Сапарбаева Гуландам Машиаритовна, ф.ф.ф.д.</i>
<i>Буриев Хасан Чўтбаевич, б.ф.д., проф.</i>	<i>Сапаров Қаландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.</i>	<i>Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.</i>
<i>Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.</i>	<i>Сотинов Гойишназар, к/х.ф.д., проф.</i>
<i>Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.</i>	<i>Тожибаев Қомилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик</i>
<i>Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.</i>	<i>Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.</i>
<i>Жугинисов Тангирберген Исаевич, б.ф.н., доц.</i>	<i>Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.</i>
<i>Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.</i>	<i>Шакарбоев Эркин Бердиқулович, б.ф.д., проф.</i>
<i>Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.</i>	<i>Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.</i>
<i>Қадирова Шаҳноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.</i>	<i>Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.</i>
<i>Қаримов Улўзбек Темирбаевич, DSc</i>	<i>Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.</i>
<i>Қўтлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.</i>	<i>Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.</i>
<i>Ламерс Жон, к/х.ф.д., проф.</i>	<i>Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.</i>
<i>Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.</i>	<i>Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.</i>
<i>Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.</i>	<i>Худайбергана Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.</i>
<i>Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.</i>	
<i>Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.</i>	

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№12/4 (96), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. – 225 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Abdulloyeva K.M. Zamonaviy tilshunoslikda ilmiy paradigma klassifikatsiyasi hamda badiiy adabiyotda tasviriy ifodalardan foydalanish	5
Allamberganova M.R. Kognitiv tilshunoslikda metonimiya masalasi	8
Alimova K.T. Nutq madaniyati va uning aspektlari	10
Almamatova Sh.T. Abdulla Qahhor hikoyalardagi xususiy-muallif (favqulodda) o'xshatishlar	13
Anorboyzoda F.S. Lirikada sujet va kompozitsiya	16
Atamurodova Q.G'., Qobilova M.M. Radiojurnalist nutqida qo'llanuvchi leksik vositalarning xususiyatlari	19
Barotova M.O. "Oyoq" leksemi asosida shakllangan paralingvistik vositalar tahlili	21
Dzhelyalov M.Z. Hydronomies in linguistics	24
Jamilova N.A., Abduraximova G.X. Nemis adabiyoti va tarjimalar	27
Jo'rayev I.M., Jo'rayev H.A. Xalq maqollarida oila va ijtimoiy masalalarning qo'yilishi	29
Jumaniyazov A.J., Jumaniyazova D.A. Sanskrit va prakrit tillari xususida	32
Ibragimova N.G. Persian assimilation layer of modern uzbek lexicon	35
Ibragimova D. Jahon adabiyoti namoyondasi jeyms joys hikoyalarning mavzu va g'oya talqini	38
Ismoilova D.R. Basic approaches in the study of criminal semantics	40
Karimova M.Yu. Teran idrok, zakovat va sobitqadamlikni talab qiluvchi soha	43
Khayitova F.A. Toponyms with figurative meaning (metaphoric and metonymic) in english and uzbek languages	46
Komilova G.O. Ingliz adabiyotshunosligida bilingual shariyatning tarixiy shakllanishi va taraqqiyot bosqichlari	49
Madjidova D.A. Discourse and its semantic analysis in english official texts (documents)	53
Masharipova L.A. O'zbek va Amerika madaniyatidagi maqol va matallar	55
Mavlanova N.O'. Ingliz va o'zbek tillarida iqtisodiy sohasida keng qo'llaniladigan terminlarni aniqlash	59
Nasridinov M.V. "Maqsad" konseptini voqelantiruvchi vositalarning translologik aspekti va ularning izomorfik hamda allomorfik jihatlari	63
Rahimova M.O. Leksik antonimiyada belgilik	65
Ro'zimurodova N. Salim Ashur ijodiyotida muhabbat mavzusini yorqin jilolari	68
Ruziyev H.B. Navoiy romani inglizcha tarjimasida maqollarning berilishi	70
Saidova K. Tavtologiya frazeologik konnotatsiyalarni shakllantirish vositasi sifatida	73
Sobirova M.J. Terminologik axborot-qidiruv tezauruslari	75
Teshaboyeva Z. Abduqayum Yo'ldosh nasri uslubining ayrim qirralari xususida	78
Tojiboyeva M. Mumtoz nasr va jadid hikoyachiligi xususiyatlarining sintezlashuvi	80
Umarqulova M.B. Theoretical analysis of color words in English and Uzbek languages linguaculturology	83
Yuldasheva Z. Takroriy birliklarning ba'zi xususiyatlari haqida	85
Yunusova H.R., Ahmedova M.A. Enjambement as a poetic figure (on the examples of contemporary uzbek poetry)	88
Абдуллаева Н.Р. Классификация пословиц и поговорок в сопоставляемых языках	91
Абдуллаева Н.Р. Коронавирус пандемияси неологизмларининг лексик-семантик хусусиятлари	94
Абдуллаева Ш. Жаҳон ва ўзбек адабиётида шайтон неомифологемасининг бадий талқини	97
Баходирова Ф.Б. Прагматизм фалсафасида "фаолият", "фаоллик" ва "қизиқувчан субъект" талқинлари	100
Бердимуратова А.Ж. Способы образования педагогических терминов в каракалпакском языке	105
Бобоходжаев С.А. Суннат ва ҳадис илмларининг ўзига хос терминлари ҳамда уларнинг бир-биридан фарқлари	109
Жуматов Р. Инонч ва ақида асосидаги инглиз ва ўзбек топонимлари қиёсий антропоцентрик таҳлили	112
Ибрагимова Н.М. Лингвостилистические стратегии развития жанров современного интернет-дискурса	119
Исмаилов И.О. Огаҳий тарихий-адабий асарларидан ўрин олган таърихлар ҳақида	122
Ишанқулова Г.Р. Жой номларининг лингвистик таҳлили	130
Қодирова Д.Х. Дунё тилшунослигида лингвопоэтика соҳасидаги янги назарий қарашлар	132
Кудайбергенова С.П. Когнитив семантикада "концепт" тушунчасининг талқини	135
Мадиева М. Ўзбек миллий брендларининг лингвомаданий хусусиятлари	138

Маҳмудов Р. Огаҳий тарихий асарлари лексикасида учрайдиган айрим янги ясама сўзлар таҳлили	141
Маҳмудов Р. Огаҳий тарихий асарларидаги эроний тиллардан ўзлашган бирликларнинг ўзига хосликлари	144
Мусаева Ф.А. Понятие об антонимах как основном средстве выражения контраста в устной речи	147
Намазова М.У. Рустам Мусурмон ижодининг тараққиёт босқичлари	150
Нафасова В., Жабборов Э. Жанубий Ўзбекистон гидронимларини тадқиқ этишда гидроиндикаторларнинг ўрни	153
Наширова Ш.Б. Инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча ўқув луғатларида кўп маъноли сўз маъноларини фарқлаш муаммолари	159
Расулова З. Ўзбек халқ эртақларида сеҳрли буюмлар семантикаси	161
Рахимов Ж.И. К вопросу об особенностях словообразования в области информационно-коммуникативной технологии в русском и узбекском языках	165
Рахимов Ж.И., Чупанов О.О. К вопросу о возникновении информационно-коммуникативной терминологии в русском и узбекском языке	168
Рахматов Й.Ғ. Халқ мақоллари: тадриж ва эволюция	171
Саидова Н.А. Фэнтези жанрининг тарихий асослари	174
Суярова А.И. Публицистика Шарафа Рашидова	178
Тўраева Д.Д. Ўзбек болалар шеърлятида бадий-эстетик тафаккур	181
Тўраева Д.М. Замонавий пунктуацион тизим тараққиёти	186
Файzieва А.А. Шахсий ривожланишга оид асарларда вақтга оид концептуал метафораларнинг қўлланилиши	189
Ҳамидова Н.У. Ўзбек халқ ўйинлари номларининг лексик таснифи	192
Худойберганов С.М. Ўрганилаётган тилни самарали ўзлаштиришда сўзлар маъноларини англашнинг функционал аҳамияти	194
Чўлиева Н.А. Назар Эшонкулнинг “Ажр” ҳикоясида замон ва маконнинг рамзий ифодаси	198
Шодиева Ш.И. Оламнинг сўзлар воситасида концептлашуви	200
Шомуродова З.Р. Терминларни унификация қилишнинг асосий тамойиллари ва параметрлари	203
Эргашева М.Х. Биографик метод ҳақида	205
Эргашева Н.А. Ўзбек ва рус тилларида предлогли келишдик тузилмаларининг мантикий ва когнитив хусусиятлари	209
Эргашова С.Э. Эшқобил Шукур шеърлятининг мавзу кўлами	211
Юлдашев Ф.Х. “Маънавият” лексик-семантик категория сифатида	214
Юлдашев Ф.Х. “Маънавият” лексик-семантик категориясининг иерархик манзараси	217
Юлдашева Д.Н. Тиббий эвфемик маънонинг сукут орқали ифодаланиши	220

Юқоридаги каби лисоний бирликларнинг иерархик кўриниши қиёслашлар ва зиддиятлар мажмуи бўлиб, бу бирликнинг лисоний моҳиятини аниқлашда энг муҳим восита ҳисобланади. Бундай лексик категориянинг лисоний моҳияти унинг таркибий қисми бўлган бирликларни, улар ўртасидаги фарқланувчи лингвистик белгиларини ойдинлаштиришдир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек тили. Тошкент, 2017. –Б. 68-69
2. Жамолхонов Ҳ. А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. Тошкент, 2002.–Б.7
3. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Тошкент: Университет, 2006. – Б. 78.
4. Қаранг. Литвин Ф.А. Многозначность слова в языке и речь. М., 1984. – Б. 105.

УЎК: 81.362:811

ТИББИЙ ЭВФЕМИК МАЪНОНИНГ СУКУТ ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ

Д.Н.Юлдашева, п. ф. н., проф., Бухоро давлат университети ўзбек тилишунослиги, Бухоро

Аннотация. Кишилик жамиятидаги ҳар қандай фаолият ижобий амалий қиймати билан аҳамиятли. Тил ва унинг ҳосиласи бўлмиш нутқ коммуникативлик, экспрессивлик, аккумулятивлик билан боғлиқ фаолият бўлганлиги учун унинг натижаси ҳам нутқнинг таъсир кучи, нутқдан кўзланган мақсадга эришилганлик билан характерланади. Нутқий мулоқот лисоний имкониятларнинг муайян моддий шаклда шунчаки воқеланишидан фарқланиши маълум. Нутқий мулоқотга ситуативлик хос, шунинг учун унинг шакллари ҳам, ифодавийлиги ҳам серқирра.

Бугун ўзбек тилишунослигида лингвокогнитология янги йўналиши сифатида тадқиқ ишларини олиб бормоқдаки, унда лисоний бирликларнинг когнитив хусусиятларини аниқлашга киришилган., Миллий тил ва миллий тафаккур муитарақлигидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир лисоний ҳодисанинг когнитив, экспрессив, аккумулятив жиҳатларини текшириши мазку йўналишининг асосий вазифасига айланган. Зеро, ўзбек муҳитида ҳам тилни ўз соҳиби билан бирга ижтимоий муҳит, маданият, миллийлик каби омиллар муитарақлигида таҳлил этишни давр тақозо этмоқда.

Мазкур мақолада тилнинг лингвопрагматикани амалга ошириши воситаси сифатида тиббий эвфемик маъноларни юзага чиқаришига хизмат қилувчи вербал (синонимия, градуонимия, антонимизация, перифраза, метафора, метонимия, синекдоха, киноя, фразеологизм, эвфемизация ва б.) ва новербал (оҳанг, сукут) бирликлари таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: нутқий мулоқот, тиббий эвфемик маъно, синонимия, градуонимия, антонимизация, перифраза, метафора, эвфемизация, новербал воситалар: оҳанг, сукут

Аннотация. Важно, чтобы любая деятельность в человеческом обществе имела положительную практическую ценность. Поскольку язык и производная от него речь – это деятельность, связанная с коммуникативностью, экспрессивностью, аккумулятивностью, ее результат также характеризуется силой речи, достижением намеченной цели речи. Хорошо известно, что вербальное общение отличается от простой реализации языковых возможностей в определенной материальной форме. Вербальное общение ситуативно, поэтому его формы и выразительность многогранны.

Сегодня в узбекском языкознании лингвокогнитология - это новое направление исследований, которое определяет когнитивные особенности языковых единиц. В связи с общностью языка и национального мышления основной задачей этого направления является изучение когнитивных, экспрессивных, аккумулятивных аспектов каждого языкового явления. Действительно, и в узбекской среде этот период требует анализа языка с его владельцем при наличии таких факторов, как социальная среда, культура, национальность.

В этой статье вербальный (синонимия, градуонимия, антонимия, перифраза, метафора, метонимия, синекдоха, ирония, фразеология, эвфемизм и т. д.) и невербальный (тон, безмолвная единица) язык служат для раскрытия медицинских эвфемистических значений как средства реализации лингвопрагматики.

Ключевые слова: вербальная коммуникация, медицинское эвфемистическое значение, синонимия, градуонимия, антонимия, перифраза, метафора, эвфемизм, невербальные средства: тон, тишина

Abstract. *It is important that any activity in human society has a positive practical value. Since language and speech derived from it is an activity associated with communication, expressiveness, accumulation, its result is also characterized by the power of speech, the achievement of the intended goal of speech. It is well known that verbal communication differs from the simple realization of linguistic possibilities in a certain material form. Verbal communication is situational, so its forms and expressiveness are multifaceted.*

Today, in Uzbek linguistics, cognitive linguistics is a new direction of research that determines the cognitive characteristics of linguistic units. In connection with the common language and national thinking, the main task of this direction is to study the cognitive, expressive, accumulative aspects of each linguistic phenomenon. Indeed, in the Uzbek environment, this period requires an analysis of the language with its owner in the presence of such factors as social environment, culture, nationality.

In this article, verbal (synonymy, gradonymy, antonymy, paraphrase, metaphor, metonymy, synecdoche, irony, phraseology, euphemism, etc.) and non-verbal (tone, silent unit) language serve to reveal medical euphemistic meanings as a means of realizing linguopragmatics.

Key words: *verbal communication, medical euphemistic meaning, synonyms, gradonyms, antonyms, paraphrase, metaphor, euphemism, non-verbal means: tone, silence*

Миллий тил ўша тил эгалари маънавияти, маданияти, савиясини белгиловчи; миллатни миллат қилиб шакллантирувчи, халқни халқ сифатида юксалтирувчи бекиёс омилдир. Зеро, муайян миллатнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва юзага чиқиши этномаданий ҳодиса ҳисобланмиш миллий тил билан чамбарчас боғлиқ. Миллатпарвар юртдошимиз Абдурауф Фитрат тўғри таъкидлаганидек: «Миллатнинг ўзлигини, дунёда борлигини, ўзига хослигини белгиловчи омиллардан асосийси унинг она тилидир» [1].

Демак, тил миллат билан вобаста. Миллатнинг яратувчиси оналаримиз. Шунинг учун ҳам тилга нисбатан *она тили* бирлиги ишлатилиши табиий ҳол. Ҳа, тилга *она тили* даражасининг берилиши унга халқ тарафидан, унинг соҳиблари томонидан кўрсатилган юксак эҳтиром намунаси.

Ҳар қандай тилнинг бойлиги ўша тил birlikларининг қўлланилиш имкониятлари даражаси билан ўлчанади. Дунё тиллари ичида ўзбек тили тилнинг асосий функциялари – коммуникатив, экспрессив ҳамда аккумулятив вазифаларини бажаришда, яъни ранг-баранг нутқий воқеликларни юзага чиқаришда, бутун оламнинг ўзбекча лисоний манзарасини яратишда ўзига хос кенг имкониятларга эга. Буни мазкур тилнинг ахборот бериш ва ахборот қабул қилиш (локутив), муайян мулоқот нутқида тингловчига эмоционал-экспрессив таъсир кўрсатиш (лингвопрагматик), ёзма манбаларда бирор воқеликни, предметликни ёки ҳаракат-ҳолатни тасвирлаш ёки тавсифлаш (символик) усулларида аниқ кузатиш мумкин.

Шу ўринда эътиборимизни тилнинг лингвопрагматик хусусиятига қаратамиз. (Танланган мавзу билан боғлиқ тарзда келтирилган мисолларда саломатлигимиз посбонлари бўлмиш шифокорлар ва уларнинг нутқидаги лингвопрагматик жиҳатларни инобатга олишга ҳаракат қиламиз.)

Тил ва унинг воқелиги бўлмиш нутқ шунчаки гапириш ёки ниманидир ёзиб қўйиш эмас. Тил инсоннинг, қолаверса, бутун бошли халқнинг маданияти, маънавияти, унинг тарбияланганлик даражасини кўрсатувчи ойна ҳисобланади.

Биз кундалик ҳаётимизда маълум бир воқелик ҳақидаги ахборотни, шунингдек, шу воқеликка бўлган муносабатимизни, ҳиссий кечинмаларимизни ифодалашда турли лингвистик ёки паралингвистик воситалардан фойдаланамиз. Зеро, воқеликни ифодалашда бир қанча усуллар мавжуд бўлиб, улар коммуникатив интенциянинг юзага чиқишига хизмат қилади. Тилшуносликда коммуникатив интенциянинг юзага чиқишига хизмат қилувчи синонимия, градуонимия, антонимизация, перифраза, метафора, метонимия, синекдоха,

киноя, фразеологизм, эвфемизация, эпитет каби бир қанча ҳодисалар мавжудлиги тилшуносларга яхши маълум. Жумладан,

Синонимлар, шаклан ҳар хил, аммо айнан бир тушунчани турли бўёқ ва оттенка туси билан ифодалайдиган бирликлар сифатида нутқни бойитиб туради. Луғавий маънодошлик семемаси таркибидаги аташ ва вазифа семалари бир хил, ифода семалари ҳар хил бўлган, бир турдаги нарса-буюм, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи лексемалараро муносабатдир. Масалан, **касал** (арабча сўз) – **бемор** (форсча сўз) – **нотоб** (форсча сўз) – **бетоб** (форсча сўз) – **носоз** (форсча сўз) – **хаста** (форсча сўз).

Баъзан бу сўзларга маънодош сифатида *тани хаста* бирлиги ишладиладикки, у *бемор* ёки *касал* сўзларига нисбатан маънони таъсирлироқ ифодалайди.

Ҳаётимиз ва тани хаста саломатлигимиз йўлида ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб хизмат қиладиган бу шарафли касб эгаларини ҳар қанча эътироф этсак арзийди. Айниқса бугунги пандемия даврида туну кун меҳнат қилиб касалликка қарши курашишида жасорат кўрсатаётган, беморларнинг саломатликлари йўлида кўрсатаётган фидойиликлари таҳсинга сазовор.

Яратган эгам, сендан қалби кўр, қалби беморларга ва тани хасталарга шифо беришингни сўраймиз. Бизни бу дардлардан йироқ қил!

Градуонимик луғавий бирликлар ўзаро маъновий муносабатига кўра маълум бир даражаланиш қаторини ҳосил этиши фанга қадимдан маълум. Ғайрилисоний омилнинг моҳияти шундаки, борлиқдаги нарса, белги-хусусиятда сифат фарқи билан бирга миқдор фарқи ҳам мавжуд. Масалан, **бўлмагур** (ҳолат) – **беъмаъни** (одат) – **номаъқул** (фарзанд) – **нодуруст** (юмуш) – **тубан** (киши) – **жирканч** (жиноят) – **расво** (кўриниш) – **ярамас** (одат) – **разил** (одам) – **қабих** (иш).

Бўлмагур лексик бирлигида ярамаслик ёки жамият белгилаб қўйган одоб-ахлоқ меъёрларидан, инсоний фазилатлардан чекиниш ҳолатини кўрсатувчи белгининг пастроқ даражада ифодаланиши кузатилади. Масалан,

Соҳада шифокорларнинг беморлар соғлигига бефарқ бўлиши, ходимларнинг коррупцияга берилиши каби бўлмагур ҳолатлар кузатилганлигини инкор этиб бўлмаяпти. (<https://t.me>)

Шифокорнинг бемордан ниманидир тама қилиб туришидек бўлмагур ҳолатни кўрган эмасман. (<https://twitter.com>)

Разил ёки *қабих* лексик бирликлариде эса санаб ўтилган иллатлар белгиси юқори даражада эканлигини кузатамиз. Масалан,

Хуллас, шифокор тўзри одам бўлганлиги учун бу разил одамларни ўзидан узоқлаштирибди. (<https://sultanrabat>)

...Насиба она аввал болалар хонасига, кейин жонлантириш бўлимига кириб чиқди. Бола ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ, изсиз зойиб бўлган эди. Эртаси куни тонгда хиёбонни тозалашга келган фаррош ўриндиқлардан бирида совуқдан музлаб қолган чақалоқ жасадини топди. Бу «меҳрибон» шифокорнинг қабих иши эди... (<http://darakchi.uz/>)

Табиатдаги ранг ва бошқа белгилар шунчалик хилма-хилки, бўёқчилар биргина қора рангнинг ҳатто ўндан ортиқ турини ажратадилар. Инсоннинг фаол онги ана шу миқдорий ва сифатий фарқни акс эттиради. Тил онгнинг ифодаси бўлганлиги боис у онгдаги акс эттирилган мана шундай миқдорий фарқларни ҳам ифодалаш лозим. Бундай миқдорий фарқ турли усул билан, жумладан, алоҳида-алоҳида лексема билан ҳам ифодаланади. Чунончи, *шифо-даво* – *малҳам* каби.

Антоним лексемалар асосида борлиқдаги қарама-қарши ҳодисанинг инъикоси бўлган қарама-қарши тушунча ётади. Масалан, *Юртимизда тажрибали шифокорлар кўп. – Умрим бино бўлиб бундай нўноқ дўхтирни кўрмаган эдим.*

Перифразалар нутқда ўз номига эга бўлган денотатни баҳоловчи, бўёқдорлик асосида қайта номловчи бирликлардир. Масалан, *Ҳозирги таҳликали кунларда, бутун дунё аҳли кўринмас ёв билан курашаётган бир дарверда, айниқса, жонларини гаровга қўйиб, бетобларга ёрдам кўрсатаётган шифокорларнинг шарафли ва машаққатли касбини яна бир бор мадҳ этиши айни муддао бўлса керак.* (<http://uchildiz.uz/>)

Саломатлик – туман бойлик, деган ҳикмат замирида оламча маъно мужассам. Инсон соғлом бўлса ҳаёт татийди, бахт татийди. Замондоиларига ана шундай бахт улашаётган саломатлик посбонларига ҳамини омад тилаб қоламиз. (<http://uchildiz.uz/>)

Дунёда мутахассисликлар кўп. Шулардан бири шифокорликдир. Бутун ер шари аҳолиси пандемия ҳолатини бошдан кечираётган бир пайтда бу касб эгаларига ҳар қачонгидан кўпроқ эҳтиёж сезилди. Инсон омили бош масалага айланди. Зеро, инсон омили, аввало, унинг жисман, руҳан саломатлиги билан боғланиши сир эмас. Буюкларимиз бежизга айтишмаган: «Соғлом инсон табиатнинг энг ноёб бўлагидир». Балки шу сабабидир бошқа касбларга (масалан, ўқитувчилик, мураббийлик ёки муҳандисликка) нисбатан шифокорлик касби билан боғлиқ тиббий метафоралар, тиббий ўхшатишлар, тиббий фразеологизмлар ёки тиббий эвфемизмлар ўзбек нутқида кўпроқ учрайди. Зеро, ҳаётда ҳам «битта моҳир врачнинг тажрибаси кўпчилик жангчи-аскарлар маҳоратига тенг». (Гомер)

Метафоралар ўзаро ўхшашлик асосида кўчади, яъни нутқ механизми, бирор лексема денотатининг ташқи, зоҳирий ўхшашлиги асосида бошқа маънони ифодалаш учун ишлатилишидир. Ҳар бир соҳанинг ўз метафоралари мавжуд. Жумладан, тиббиёт соҳасига тегишли метафораларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

Ҳозирги пандемия шароитида метинирода шифокорларимиз кўринмас ёв олдига биринчилардан бўлиб қурашга чиқдилар. (<http://uchildiz.uz/>)

Энг муҳими, азалқўргон халқимиз соғ-саломат бўлиб, бу ҳаётдан мамнун яшасинлар. Шу эзгу мақсад йўлида энгилмас тоғ шифокорларимиз қуну тун эл хизматида. (<http://uchildiz.uz/>)

Фразеологик бирликлар лексик-семантик жиҳатдан тилдаги турғун бирикмалар бўлиб, тиббий фразеологизмларга қуйидагиларни мисол келтириш ўринли:

Мен сиздан даво топдим, жонга жон шифокорлар,

Мақсади саломатлик, меҳрибон шифокорлар.

Инсоннинг ҳаётига чанг солса агар бир хавф,

Илмини қурол қилган посбон шифокорлар. (П.Мўмин)

Ўзбек нутқида тиббий эвфемизмлар энг кўп учрайди. Бундай бирликларни нутқ эгаларининг ўзи нутқий шароитга мослаб ясаб олишаверади, десак муболаға бўлмайди. Нутққа таъсирчанлик ва ёқимлилик бағишловчи, айтилмоқчи бўлган ахборот (фикр, мулоҳаза)ни юмшоқ ва одобли қилиб ифодалашга хизмат қилувчи бирликлар эвфемизмлар саналади. Эвфемизмларда кўпол, беадаб, таъқиқ сўз ёки ибора маданий шаклда пардали қилиб айтиладики, бу ҳол, бир томондан, нутқ маданияти билан бевосита боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ўзбек халқининг миллий ўзлиги билан алоқадор.

Ҳа, «яхши гапирмоқ», «силлиқ сўзламоқ» маъноларини берувчи эвфемизм атамаси мулоқот жараёнида сўзловчининг нутқини кўпол, маданият доирасидан ташқаридаги сўзларни кўллашдан ёки тингловчининг «кўнглига тегиши мумкин» бўлган ноқулай сўзларни ишлатишдан сақлаш билан боғлиқ, аммо бу эвфемизмлар кўпол, ноқулай маънони берувчи сўз ифодалаган мантиқни бермайди дегани эмас. Зеро, эвфемизм ифодага ижобий ёндашув орқали юзага келади [2;3].

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, эвфемизмлардан муайян касб эгалари, айниқса, ёзувчи ва шоирлар кўпроқ фойдаланадилар. Аммо шу ўринда таъкидлаш лозимки, ижтимоий ҳаётимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир касб эгаси, қолаверса, ўзини маданиятлиман деб ҳисоблаган ёки шундай ҳисобланишни истаган ҳар бир киши эвфемизмлардан тўғри ва ўринли фойдаланишга ҳаракат қилмоғи зарур. Ва яна нутқда эвфемизмлардан фойдаланиш кишининг фаросатлилики даражасини белгиловчи меъёрлардан бири ҳамдир.

Демак, инсон исталган даврага, аввало, ўз сўзи билан кириб боради. Шу боисдан нафақат ўзбек тилшунослигида, балки жаҳон лисоншунослигида ҳам тил ва маданият муносабати, тил тизимидаги миллий ўзига хос элементлар ҳамда тил соҳибни нутқи тадқиқига бағишланган ишлар долзарблик хусусиятини йўқотмайди. Чунончи, эвфемизмлар, уларнинг касбий хосланиши ҳам шулар жумласидан.

Кундалик ҳаётда турли тоифа, турли ёш ва турфа дунёқарашга эга кишилар билан энг кўп мулоқот қиладиган касб эгаларидан бири – шифокорлар.

Боши ёстиққа етган инсон зоти борки, даво истаб шифокорнинг оғзига қарайди. Шифокорнинг бир оғизгина сўзи ё бунёд этади, ё барбод қилади. Демак, нутқий эвфемизмларга бошқа касб эгаларидан кўра шифокорлар кўпроқ эҳтиёжманд.

Азал-азалдан шифокорлар ўзларининг илиқ муомалалари ва юксак билимлари билан беморларнинг дардига малҳам бўлишган, уларни даволашган. Тиб илмининг билимдони Ибн

Сино бу хусусда шундай ёзиб қолдирган экан: «Шифокор босиқ, синчков ва, албатта, ширинсухан бўлиши зарур. Агарда у ширин сўзлари билан беморини даволанишига ишонтира олса, дардга қарши бемор ҳамда шифокор бир ёқадан бош чиқариб курашади ва дардни албатта енгишади. Мабодо, шифокор беморини ўз гапига ишонтира олмаса, унда дард беморни руҳан ўзига шерик қилиб олади. Улар бирлашиб шифокорга қарши туради. Табиийки, бунда муолажа анча қийин кечади, баъзан самара бермаслиги ҳам мумкин».

XXI аср тиббиёти беморнинг дардига даво топишда фақат илмий асосланган тиббий билимларгагина таяниш самара бермаслигини, бу борада, аввало, беморнинг руҳиятини сўз билан даволаш, яъни унинг психологиясига лингвотаъсир сингиши муҳимлигини тўла-тўқис асослади. Зеро, бугун ҳақ гапни билишнинг ўзигина кифоя эмас. Ҳақ гапни тингловчига қандай етказа олиш ҳақ гапнинг ўзидан-да муҳимроқ. Фикримизни қадим ривоят асосида далиллаймиз:

Бир подшонинг тушида барча тишлари тўкилди. Бу тушдан ниҳоят хафа бўлиб, эрта билан таъбичини чақириб, кўрган тушини айтиб берди.

Таъбирчи дедиким:

–Подшонинг барча болалари ва хотинлари, яқинлари ўз ундан олдин ўладилар.

Подшони бу таъбир жуда қаттиқ қайғуга солди. Подшонинг буйруғи билан таъбирчининг барча тишларини омбир билан сугурдилар ва тилини кесдилар. Бошқа таъбирчини чақиртириб, ул тушни бунга ҳам баён этдилар. Иккинчи таъбирчи жуда доно ва хуштабиат киши эрди. Ул деди:

– Эй подшоҳ, бу тушингиз умрингизнинг узоқлигидан далолатдир. Сиз барча болаларингиз, хотинингиз ва яқинларингиздан кўра узоқоқ умр кўрасиз.

Бу таъбир подшога ёқиб, унга от ва кийим билан минг танга пул берди ва дедиким:

– Агарчи бу икки таъбирнинг мазмуни бирдир. Лекин биринчи таъбирчи ёмон иборат билан сўзлаб, ўзини ҳалокат чоҳига ташлади. Иккинчи таъбирчи эса, юмишқ сўз билан ишора қилиб, давлат байроғини кўкдан оширди. (<http://xorazmiy.uz/>)

Асаб асрида яшаймиз. Одамларга бир гап камлик, икки гап кўплик қилади. Шундай шароитда инсон, айниқса, шифокорлар «топиб гапириш»ни билишлари жуда-жуда зарур. Олий тиббий маълумот олган ҳар бир шахсдан тортиб юқори малакали яхши врачгача барча-барчаси беморлар билан доимий мулоқотда бўлади. Демак, касб тақозоси улардан нафақат жиддий махсус тайёргарликни, балки юксак ғоявий ва ахлоқий хислатлар эгаси бўлишни ҳам талаб қилади. Бугун ер юзида шифокорлик ҳурматли касб эгаси бўлган ва шундай бўлиб қолаверади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: Маънавият, 2000. <https://ziyouz.uz>
2. Маҳмудов Н. Термин, образли сўз ва метафора// ЎТА.– Т., 2013. – №4..
3. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Raupova L., Qurbonova M., Abuzalova M., Yuldasheva D. Hozirgi o'zbek tili. Darslik. – Buxoro: Durdona, 2020.–555 b. <http://yuldasheva.buxdu.uz/>
4. Dilorom Nematovna Yuldasheva. Problems of national language education at school. Volume 4 Issue 3 BSU 2020 (3) Published by 2030 Uzbekistan Research Online, 2020 <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss3/15/>
5. Yuldasheva Dilorom Nigmatovna. Silence-is a nonverbal unit of speech communication. Impact Factor (SJIF 20 20= 6.156) "American Journal of Research", 2020, 11-12 issue of the Journal.– Pag.87-95. https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/12/2020_11_12-AJR_11.pdf

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№12/4 (96)
2022 й., декабрь**

Ўзбекча матн муҳаррири:	Рўзметов Дилшод
Русча матн муҳаррири:	Ҳасанов Шодлик
Инглизча матн муҳаррири:	Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Мусахҳих:	Ўрозбоев Абдулла
Техник муҳаррир:	Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 07.12.2022
Босишга рухсат этилди: 14.11.2022.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 12,3 б.т. Буюртма: № 12-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18